



## “ТИББИЙ ПАРАЗИТОЛОГИЯ” МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА ХУСУСИЙ МЕТОДЛАР

*М.И.Мустафаева*

*БухДТИ, Тиббий биология кафедраси доценти*

Инновацион таълим технологияси педагогик технологиянинг бир қисми сифатида янги таълим тизимлари назарияси ва лойиҳалаш усулларини яратиш, таълим жараёнларини бошқаришга йўналтирилган. Таълим технологиясининг асосий вазифаси дарс бериш ва ўқиш жараёнини оптималлаштиришдан иборат. Таълим технологияси – мақсадга эришиш усули бўлиб, у кўзланган натижага олиб келиши ёки келмаслиги ҳам мумкин. Мақсадга эришиш даражаси фақат технологияга боғлиқ бўлиб қолмай балки, «технолог»нинг (яъни педагогнинг) маҳоратига ҳам боғлиқ.

1980 йилда Эдуард Де Боно “Мышление 6 шляп” методини яратди. Тиббий олий таълимда Тиббий паразитология бўлимининг ҳар бир фан модули яқунлангач, талаба мавжуд жараённи 6 хил назарда баҳолай олиши ундан билим, кўникма, ижодий ёндашув ва мустақил фикрлашни тақозо этади. Шу сабабли тиббий паразитологиянинг тиббий протозоология, тиббий гельминтология, тиббий арахноэнтмология каби модулари яқунлагач, талабалар олдида паразитларнинг 6 хил хусусиятини тавсифлашиши талаб этилади. Мазкур жараённи аудиторияда маъруза давомида ҳам қўл келади. Агарда шляпа бўлмаса, яъни уни кийиб баҳолашнинг имкони бўлмаса, бунда ҳар бир қатордан танлаб олинган сардорлар 1 дан олтигача ёзилган мос рангларни танлашади ва уларга баҳо беришади.

жадвал 1

**Паразитларнинг ўрнини ўрганишда “Фикрлашда олти шляпа”  
методи(1980, Эдуард Де Боно)**



**Оқ шляпа-** аниқ факт, далил ва сонларга таяниб паразитларни баҳолайди(Масалан, 2 миллион турдан ортиқ ҳайвонлардан, тахминан 50 000 тури паразит (текинхўр) равишда, шу жумладан, 600 дан ортиқ тури одамда паразитлик қилиб яшайди. Статистик маълумотларга кўра, 95% одамларнинг ҳаётларида камида бир марта паразитнинг баъзи бир турини ташувчиси бўлган. Уй ҳайвонлари яшайдиган одамларда паразитларнинг организмдаги эҳтимолли деярли 100% ни ташкил этади).



**Қизил шляпа** –эшитилганларни ҳиссиёт орқали қабул қиладиган маълумотлар (Бир кечада чўчка солитёри 100 мингта, одам аскардаси 250 мингтагача тухум қўяди. Ингичка ичакда яшовчи қорамол тасмасимон чувалчангнинг узунлиги 10 метргача етиши мумкин. Паразитни етилган бўғимлари хўжайинга юққандан сўнг 75-90 кундан бошлаб ҳар куни 10-11 бўғим ажралиб туради. Битта бўғимда 145-175 мингтагача тухумлар бўлади. Вояга етган қорамол солитёри ўрта ҳисобда 18 - 20 йил яшайди, бир йил ичида 600 миллиондан ортиқ тухум қўяди. Машҳур рус академиги В.Р.Сергеевнинг сўзларига кўра ҳар йили касалликдан ўлаётганлар 51 миллион киши орасида 16,4 миллион кишилар инфекциялар ва паразитлардан вафот этади.).



**Сарик шляпа** – Позитив ва оптимистик қараш, яъни паразитлардаги барча ҳолатларни оптимистик қабул қилиб уни ёқлайди ва натижада яхши оқибатларга сабаб бўлади. Энг қизиқарлиси ҳар бир ёмон ҳолатга ҳам ижобий кўз билан қаралади(мисол: Паразит зулук. Зулукнинг асосий шифо манбаи — сўлаги. Унинг сўлаги инсон қонига тушгач, оғриқ қолдирувчи, яллиғланишларга қарши таъсир қила бошлайди. Натижада қон айланиши яхшиланади, тромбозлар хавфи камаяди ва шишлар қайтади. Иммуниетни ҳам ошириш хусусиятига эга. Паразитларни юқтирмаслик, олдини олиш мақсадида инсонлар шахсий ва жамоавий гигиенага ўрганади).



**Яшил шляпа** – Ижодийлик ва маҳсулдорликни таъминлайди. Келиб чиққан муаммони позитив, альтернатив ечим йўлларини топади(Масалан: а) хомлигича ейладиган мева, сабзавот ва бошқа масаллиқларни яхшилаб ювиш; б) сувни қайнатиб ичиш; в)пиширилган озиқ-овқат ва ичиладиган сувни ёпиқ идишда сақлаш; г)



пашшаларни қириш; л) овқатдан олдин ва хожатдан кейин қўлларни ювиш; е) одамлар ўртасида паразит ташувчиларни аниқлаб даволаш каби вазифаларни ўз ичига олади.



**Қора шляпа** – Бу танқид ва муаммога пессимистик қараш. Доимо унинг салбий жиҳатлари излаб топилади. Одам бу билан ўзининг салбий эмоцияларини юзага чиқариб, аргумент ва фактларга асосланиб, танқидий ёндашади(мисол: Паразитлар нафақат ошқозон-ичак трактида, балки ҳаётий органларда ҳам яшайди: мия, кўз, юрак, ўпка, жигар, буйрак, мушакларда. Сурункали чарчок, асабийлашиш ва безовталиқ, анемия, мўрт тирноқ ва сочлар, муамолли тери, бош оғриғи, иштаҳанинг бузилиши, иммунитетнинг пасайиши, простатит, импотенция, аденома, цистит, миоманинг кучайишини каби паразитознинг кўплаб аломатлари бўлиши мумкин. Бир марта инсон танасида гельминт личинкаси бошпана излаш учун органлар ва тизимлар орқали кўчиб ўтишни бошлайдилар ва улар қаерда тўхташлари номаълум. Агар ўпкада ёки нафас олиш тизимида бўдса, ҳаёт тез-тез шамоллаш, бронхит билан мураккаблашади)



**Кўк шляпа** – Муаммо ечимини масъулият билан ёндашиб, охирги натижани чиқаришда қўлланилади (**Шахсий профилактика**: умумий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишдан иборат. **Жамоат профилактикаси**: паразитлар билан оғриган одамларни аниқлаш ва уларни даволаш, сув ва истеъмол қилинадиган овқатларни ифлосланишидан сақлаш керак, дайди итларни йўқотиш, сўйилган қўй, сигир ва бошқа уй ҳайвонларида касаллиги бор-йўқлигини текшириб, зарарланган аъзоларн бўлса, уларни истеъмол қилишга йўл қўймаслик зарур. Аҳоли ўртасида паразитларнинг юқиш йўллари ва профилактикаси ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришдан иборат)

Бу каби методлар ўз моҳиятига кўра ўрганаётган таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчида мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантикий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар



орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. П.Х.Холиков, А.Қ.Курбонов, А.О.Даминов, М.В.Таринова. Тиббий биология ва генетика. Дарслик. Тошкент. 2017. 541 бет.
2. de Bono, Edward (1985). *Six Thinking Hats: An Essential Approach to Business Management*. Little, Brown, & Company. [ISBN 0-316-17791-1](#) (hardback) and 0316178314 (paperback).
3. Сайидахмедов Н.(1995) "Янги педагогик технология принциплари" New pedagogical technology principles, "Маориф" газетаси № 85, Maorif Newspaper
4. Йўлдошев Ж.Г. "Янги педагогик технологиялар" (йўналишлари, муаммолари, ечимлари) - "Бошланғич. таълим", "New pedagogical technologies" (directions, problems, solutions) - "Primary education" 1999 йил, № 6, 2-5 бетлар.